



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси
1990 йил 1 мартдан чиқа бошлаган.



Идора ҳаёти

№ 08 (745) 30.04.2024 | ۲۹.۱۰.۱۴۴۵

Самарали ҳамкорлик

Шу йилнинг 16–18 апрель кунлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Жанубий Кореяга сафар уюштирди. Сафар аввалида Муфтий ҳазратлари Жанубий Корея мусулмонлари федерацияси президенти Хванг Бёнг Ха-Аҳмад жаноблари ва Жанубий Корея мусулмонлари жамоати бош имоми Ли Жу Хва-Абдурахмон Ли билан учрашув ўтказди.



Мулоқотда Муфтий ҳазратлари мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани, диний идоралар ўртасида алоқалар йўлга қўйилгани, ўтган Рамазон ойида бир гуруҳ ўзбекистонлик уламолар Жанубий Кореянинг Сеул, Кожедо, Кимхе, Чеонгжу, Мокпо каби шаҳарларидаги тадбирларда маҳаллий аҳоли ва ватандошлар билан маърифий суҳбатлар ўтказганларини таъкидлади.

2-бетда

Убудият

Аввал ўзингизга афв сўранг

Дуонинг одобларидан бири киши яхшилиқни аввало ўзи, кейин ота-онаси, сўнгра бошқа мўминлар учун сўрамоғидир.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: **«Агар намозда ўтирсангиз: «Аттаҳияту лиллаҳи вас солавоту ват тоййибат. Ассалому ғалайқа айюҳан Набийю ва роҳматуллоҳи ва барокотуҳ. Ассаламу ғалайнаа ва ғалаа ғибадиллаҳис солиҳийн. – Шунини айтсангиз, Аллоҳнинг Еру осмондаги ҳар бир солиҳ бандасига етган бўлади – Ашҳаду ал-лаа илааҳа илаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ғабдуҳу ва роҳулуҳ», деб айтинг»** (Муттафақун алайҳ).

Маъноси: Саломлар, дуолар ва пок нарсалар Аллоҳ учундир. Ё Набий, сизга салом (тинчлик-омонлик) ва Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлсин! Бизга ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом (тинчлик-омонлик) бўлсин. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг расули ва бандаси эканига гувоҳлик бераман.

Убай ибн Каъб розияллоху анҳудан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоху алайҳи ва саллам агар**

анбиёлардан бирортасини зикр қилсалар, унинг ҳаққига дуо қилар ва дуони ўзларидан бошлар эдилар: **«Бизга ва Мусога Аллоҳнинг раҳмати бўлсин! Агар сабр қилганида, ҳамроҳи (Хизр алайҳиссалом)дан ҳўб ажойиботларни кўрар эди...»** (Имом Муслим ривояти).

Имом Нававий раҳимахуллоҳ ҳадисни шарҳлаб айтади: «Бундан инсон дуони ўзидан бошлаши мустаҳаб экани маълум бўлади. Охират яхшилиқларини сўраганида шундай. Аммо дунё яхшилиқларини сўраш борасидаги одоб бошқаларни ўзидан муқаддам қўйишдир».

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: **«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Мадинадаги қабрлар ёнидан ўта туриб, уларга юзландилар ва: «Ассалому алайкум, эй қабр аҳли! Аллоҳ бизни ва сизларни мағфират қилсин. Сизлар биздан илгарилар кетдингиз, биз ҳам изингиздан борамиз», дедилар»** (Имом Термизий ривояти).

Қуръони каримда ҳам бунга пайғамбарлар тилидан бир қанча мисоллар келган.

«(Мусо) деди: «Эй Раббим!

Мени ва биродаримни мағфират қилиб, бизни раҳматингга киритгайсан. Сен раҳмиларнинг раҳмлироғидирсан!»» (Аъроф сураси, 151-оят).

«Эй Раббим! Мени ва зурриётимдан (кўп фарзандларимни) намозни баркамол адо этувчи қилгин...» (Иброҳим сураси, 40-оят).

«Эй Раббим! Мени, ота-онамни, уйимга мўмин ҳолда кирган кишиларни ва барча мўмину мўминаларни мағфират этгин!...» (Нух сураси, 28-оят).

Имом Суютий раҳимахуллоҳ «аш-Шамаилуш шарийфа»да қуйидагиларни айтади: «Дуо қилаётган киши аввало ўзини, кейин бошқаларни дуо қилиши – мандуб. Бу ижобатга яқиндир. Зеро, бунда самимийлик, бандалиқни зоҳир қилиш, ҳаммадан кўра ўзи кўпроқ муҳтож эканини билдириш, (ўзини беҳожат санаш кайфиятидаги) манманлик ва ғурурдан йироқ бўлиш бор. Мана шу анбиё ва расулларнинг суннатидир».

Манбалар асосида Фарғона тумани «Эрматбой» жоме масжиди имом-хатиби
Иброҳимжон ЮСУПОВ
тайёрлади.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

✓ 10 апрель. Термиз шаҳридаги «Султон Содот» мажмуаси ёнида бунёд этилган 2 минг 400 ўринли муҳташам жоме масжиди фойдаланишга топширилди.

✓ 12 апрель. Миср Араб Республикасининг «Al-Dilomasy» ахборот агентлиги Фарғона вилояти бош имом-хатиби Убайдуллоҳ қори Абдуллаев қаламига мансуб «Ал-Азҳарнинг фарғоналик талабалари» сарлавҳали мақолани ўз ўқувчиларига ҳавола этди.

✓ 15 апрель. Уммон Султонлиги ташқи ишлар вазири Бадр бин Хамад ал-Бусаиди бошчилигидаги делегация Самарқандга келди ва Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди.

✓ 16 апрель. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида «Диншуносликнинг долзарб муаммолари» мавзусида анъанавий республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Мусулмоннинг қўрғони

«Аллоҳумма анта Роббий, лаа илаҳа илла Анта, ғалайқа таваккалту ва Анта Роббул Аршиил ғазийм. Маашаа Аллоҳу каана ва маалам йашаа лам яқун. Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳил ғалийийил ғазийм. Аъламу анналлоҳа ғала кулли шай`ин қодийр ва анналлоҳа қод аҳато бикулли шай`ин ғилма. Аллоҳумма инний аъзузу бика мин шарри нафсий ва мин шарри кулли дааббатин Анта ахизун бинасиятиҳа, инна Роббий ғала сиротим мустақийм» (3 март).

Маъноси: Аллоҳим, Сен парвардигоримсан. Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сенга таваккал қилдим. Сен улуг Арш Раббидирсан. Сен хоҳлаган нарсга бўлади, хоҳламаганинг бўлмайди. Улуг ва олий Аллоҳдан бошқада ўзгартириш ва қувват йўқ. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсга қодир эканини биламан. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани илми билан ихота қилгандир. Эй Раббим, нафсимнинг ёмонлигидан ва пешонасидан тутадиганинг ҳар бир ҳайвоннинг ёмонлигидан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман. Албатта, эй Раббим, Сенинг йўлинг тўғри йўлдир (Ибн Сунний ривояти).

Жаннат неъматларидан нишона

Юртимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчатлар экиб, боғу роғлар барпо этиш анъанага айланган. Бу хайрли юмушга ҳар бир юртдошимиз муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, имом-домлалар ҳам “Табиат — Аллоҳ таолонинг омонатидир” шиори остида мазкур лойиҳада фаол иштирок этишмоқда.

Аллоҳ таоло Куръонда мўминлар учун абадий мукофот бўлган жаннатни таърифлаганда, жудаям кўп ўринларда дарахтзорларни, боғу роғларни, турли меваларни зикр қилган. Ар-Роҳман сурасида марҳамат қилинади: **“У (ер)да мевалар ва гулкосали хурмолар бор. Ва сомонли донлар ҳамда райҳонлар бор” (11-12-оятлар),**

“У (жаннат)лар шох новдалидирлар” (48-оят), “Икковларида мевалар, хурмо ва анорлар бордир” (68-оят). Воқеа сурасида жаннат аҳллари таърифлаб бундай дейилади: **“Улар тиконсиз сидрзорлардадир. Сермева бананзорлардадирлар. Ва ёйилган соялардадирлар” (28—30-оятлар).**

Жобир розияллоху анхундан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Кимки: “Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи” деса, унинг учун жаннатда бир туп хурмо экилади»,** дедилар (Имом Термизий ривояти).

Турли мевали дарахтлар, зиротлар жаннат неъматларидан бир нишона ҳисобланади. Аллоҳ таоло бандалари жаннат неъматларини ҳис қилиб яшашлари учун улардан баъзиларини шу дунёнинг ўзида бизларга бериб қўйди. Демак, мусулмон киши бунинг қадрига етиши, ушбу неъматларни кўпайтиришга ҳисса қўшмоғи лозим.

Шу боис ҳар баҳорда киши ўз томорқасига турли экинлар экомоғи, ҳар хил мевали кўчатлар

ўтқазishi савобли амаллардан ҳисобланади. Қолаверса, кўча ва сув бўйлари, қаровсиз ерларга ҳам меҳр бериб, у жойларни гуллаиб-яшнатиш қанчалар гўзал иш. Бу, энг аввало, кишининг ҳалол ризқ топишига сабаб бўлса, айти дамда дарахтларнинг меваси ва соясидан баҳра олган инсонлар ҳамда ҳайвонлар, экин-тикинлардан ризқланган қушлар, ҳатто ҳашаротлар учун ҳам садақанинг ажрини олишга эриштиради. Садақаи жориянинг бир тури бу айнан экилган дарахтдир. Чунки дарахт бир неча йиллар ва ҳатто бир неча асрлар фойда келтиришини ҳисобга олсак, бу имконият мўминлар учун айти муддаодир.

Унутманг, ҳар бир яхши амалга мукофот бор. Зарра миқдорида бўлса ҳам қилинган садақа жаҳаннамдан парда бўлади. Шундай экан, юртимизда давом этаётган ушбу хайрли ишда бардавом бўлайлик.

✍ **Ёрбек ИСЛОМОВ**, Олмазор тумани “Охунгузар” масжиди имом-хатиби



Идора ҳаёти

1-бетда

Манфаатли учрашувлар



Муфтий ҳазратлари Ўзбекистондаги сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар, диний жабҳадаги янгиланишлар тўғрисида маълумот берди.

Учрашувда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Жанубий Корея мусулмонлари федерацияси ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш учун асос бўладиган англашув меморандуми

имзоланди. Мазкур ҳужжат асосида диний соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, диний таълим ва имом-хатиблар тажриба алмашувини йўлга қўйиш, ёт ғояларга қарши биргаликда курашиш, меҳнат мигрантлари кўп бўлган ҳудудлардаги жоме масжидларга ўзбек имом-хатибларнинг узлуксиз маърифий суҳбатлар ташкил этилади.

Сафар давомида муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Сеул марказий масжидида мазкур шаҳарда таълим олаётган ва меҳнат қилаётган ватандошлар билан самимий суҳбат курди.

Муфтий ҳазратлари мусофирликда юрган ҳамюртларимизнинг саъй-ҳаракатларига Ҳақ таоло мададкор бўлиши, ота-она, аҳли оила нафақаси йўлидаги меҳнатлари айти савобли амал экани ва ўзга юртда доимо огоҳ бўлиб яшаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Учрашув сўнггида Муфтий ҳазратлари Ҳақ таолодан бутун дунё тинчлиги, халқлар фаровонлиги, ватандошларимиз касб-хунар ва илм эгаллаш йўлидаги интилишларига кут-барака сўраб дуо қилди.

✍ **Ўз мухбиримиз**

Ривоят

Ҳазрат Умар розияллоху анху ва Жубайр ибн Мутъимнинг чеккароқда пичирлашиб гаплашиб турганини кўрган бир одам уйига шошилди. У девор ортида туриб кўчада нима бўлаётганини фаҳмлайдиган ақлли киши эди. Уйга келиб, хотинига овқат пиширтди ва:

— Буларни Жубайр ибн Мутъимнинг уйига олиб бор, — деб буюрди.

— Нима деб олиб бораман? — сўради хотини.

— “Куфага кетаётганингизни эшитиб қолдик. Сафарингиз беҳатар бўлсин, буларни йўлга олволдинг”, дейсан. Аёл қўлидаги тоғорачани манзилига етказиб, эрининг тайинлаганини айтди. Уй эгалари шошиб

қолишди. Демак, ростдан ҳам деворнинг қулоғи бор экан-да!

Зеро, Жубайр ҳазрат Умар билан гаплашаётганда бошқа ҳеч ким эшитмагани аниқ эди.

✍ **Фазлиддин АБДУНАЗАРОВ**



Расулulloх соллаллоху алай-
хи ва саллам дедилар: **“Сизларни
нимадан қайтарган бўлсам, ундан
узоқлашинг. Сизларни нимага бу-
юрган бўлсам, уларга қодир бўлгу-
нингизча яқин келинг. Сизлардан
олдингиларнинг ҳалок бўлишига
қўй савол сўрашлари ва пайғам-
барлари тўғрисида ихтилоф қи-
лишлари сабаб бўлган”** (Имом Бу-
хорий ва Имом Муслим ривояти).

Бу ҳадисда манҳиёт ва муҳар-
рамот (ман этилган ва ҳаром қи-
линг) нарсалар ҳақида гап кет-
моқда. Набий алайҳиссалом ҳа-
ром нарсаларни айтдиларми, де-
мак, барча мўмин-мусулмонлар
улардан қайтиши керак.

Имом Муслим раҳимахуллох
Абу Хурайра розияллоху анху-
дан ривоят қилган бошқа бир
ҳадисда Расулulloх соллаллоху
алайҳи ва саллам: **«“Эй инсонлар!
Аллоҳ таоло сизларга ҳажни фарз
қилди. Ҳаж қилинглари”,** дедилар.
Бир киши: **“Ё Расулulloх, ҳар йи-
лими?”** деб сўради. У зот жим тур-
дилар. Ҳалиги киши саволини уч
марта такрорлади. Шунда Набий
алайҳиссалом: **“Агар мен “Ҳа” де-
сам, (ҳаж ҳар йили) фарз бўларди.
Сизлар (бунга) қодир бўлмас эдингиз”,**
дедилар. Сўнгра: **“Мен сиз-
ларни қандай тарк этган бўлсам**
(яъни, сизларга нима деган бўл-
сам), **индаманглари. Зеро, сизлар-
дан олдинги (қавмлар) қўй савол
сўрашлари ҳамда пайғамбарлари-
га хилоф иш тутганлари сабабли
ҳалок бўлишди. Агар мен сизлар-
ни бирор ишга буюрсам, уни қодир
бўлгунингизча бажаринглари. Агар
бирор ишдан қайтарган бўлсам,
уни тарк этинглари”,** дедилар».

Бу ҳадиснинг айтилиш воқеа-
си қуйидагича:

«Имом Бухорий ва Имом Му-
слим раҳимахумаллох ривоят қи-
лади. Расулulloх соллаллоху
алайҳи ва саллам ҳаж ҳақидаги

Савол бериш одоблари

оятни ўқиб бериб, ҳаж қилинг, де-
дилар. Шунда саҳобалар: **“Ё Расу-
луллох, ҳар йили ҳаж қиламизми?”**
деб уч марта сўраганларида, **“Мен
гапирмаган мавзуда сизлар гапни
кўпайтирманглари”,** деган мазмун-
да: **«Агар “Ҳа” десам, сизларга ҳар
йили ҳаж қилиш фарз бўлади. Бу эса
сизларга машаққат бўлиб қолади.
Шу боис ортиқча савол берманг-
лар”,** деганлар. Шунда Аллоҳ тао-
ло Моида сурасининг: **“Эй иймон
келтирганлар! Сизларга (жавоби)
аён қилинса, сизларга хуш кел-
майдиган нарсалар ҳақида (са-
вол) сўрамангиз! Қуръон (оятла-
ри) нозил бўлиб турган кезларда
улар ҳақида сўрасангиз, (жавоби)
албатта, аён қилинади. Уларни**
(олдинги сўраганларингизни) **Ал-
лоҳ кечирди. Аллоҳ кечиримли ва
ҳалимдир”,** оятини нозил қилди».

Дарҳақиқат, шундай. Инсон
бошига келадиган машаққатлар-
га унинг беҳуда саволлари сабаб
бўлади. Инсон билганига иложи
борича амал қилиши керак. Ол-
дин ўтган қавмларнинг ҳалокати-
га мазкур икки омил сабаб бўлган.
Зеро, мазкур ҳадиснинг айтилиш
тарихига назар солсак, Расулulloх
соллаллоху алайҳи ва салламга
ҳам осон бўлмагани аёнлашади. У
зот минбарда турганларида баъ-
зи одамлар келиб: **“Ё Расулulloх,
мен қаердаман?”** деганлари-
да, Пайғамбар алайҳиссалом:
**“Сен дўзахда-
сан”,** деганлар.

Бу ҳамма-
нинг олдида
Пайғамбари-
миз алайҳис-
саломни шар-
манда қилиш

учун берилган савол бўлган. Са-
вол сўровчи шунга яраша жавоб
олган.

Яна бошқа бир киши ўрнидан
туриб: **“Менинг отам ким?”** деб На-
бий алайҳиссаломдан сўраган. У
зот: **“Сенинг отанг фалончи”,** деб
унинг исмини айтганлар. Демак,
ҳадисдан савол бериш одоби ва
бу борада Расули акрам алайҳис-
саломнинг тутган йўлларини ўрга-
ниб оламиз.

Қуръони карим таълимотига би-
ноан инсон билмаган нарсасини
биладиган кишилардан сўраши ке-
рак. Аллоҳ таоло марҳамат қила-
ди: **“Агар билмайдиган бўлсангиз,
зикр аҳлидан сўранг”** (Наҳл сура-
си, 43-оят). Демак, сўраб билгани-
миздан кейин амал қилмасак, гу-
ноҳ бўлади.

Жамоатнинг олдида билиб ту-
риб савол сўраш кўпинча фитнага
олиб келади. Баъзида хатибнинг
ўзи ўзига савол бериб, кейин жа-
вобини ўзи берса бўлади. Лекин
одамлар орасида имом-домлалар-
га фитна саволларни бериш жоиз
эмас. Бу беодобликдир. Савол бе-
риш ярим илмдир. Инсоннинг са-
волидан унинг илми қандай эка-
ни аён бўлади.

✍ Раҳматуллох САЙФУДДИНОВ,
Тошкент шаҳар “Минор”
жоме масжиди имом-хатиби



Ҳикмат – мўминнинг йўқотгани

Чақимчи ростгўй бўлмайди

Халифа Сулаймон ибн Абдулма-
лик Имом Зухрий билан бирга ўтир-
ганида унинг олдида бир киши кел-
ди. Халифа унга:

— Мен ҳақимда ҳар хил гаплар
тарқатиб юрганмишсан? — деди. Ҳа-
лиги киши:

— Сиз ҳақингизда бирорта гап га-
пирмадим, — деди. Сулаймон яна
деди:

— Менга хабар етказган одам —
ростгўйлардан, ёлғон гапирмайди!
Шунда Имом Зухрий:

— Чақимчи ростгўй бўлмайди, —
деди. Халифа Сулаймон бир лаҳза
ўйлиниб қолди-да:

— Рост айтасиз, — деди ва боя-

ги кишининг кетишига ижозат
берди.

(“Ихёу улумид дин”)

Луқмони ҳақимдан сўрадилар:
— Одамларнинг доноси ким?
— Ҳаёт ташвишларидан дилтанг
бўлмагани.
— Ҳиммати баланд киши ким?
— Охират неъматларини дунё
неъматларидан устун қўйган киши.
— Одамларнинг қудратлиси ким?
— Ақли комил бўлгани.
— Ул қандай шаробки, ичувчиси-
ни яланғочлайди?
— Шаҳват.

— Ул қандай оловки, ўз ёқувчиси-
ни куйдиради?

— Ҳасад.
— Ул қайси биноки, ҳеч хароб
бўлмайди?
— Адолат.
— Ул қандай аччиқликки, охири
ширин бўлур?
— Сабр.
— Ул қандай ширинликки, охири
аччиқ бўлур?
— Тезлик, шошқалоқлик.
— Ул қандай беморликки, табиб-
лар унинг муолажасидан ожиздир?
— Аҳмоқлик.

✍ Бинафша ДАМИН қизи тайёрлади.

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Менга кальций
етишмаслиги туфайли мута-
хассислар кўён тишини ейиш-
ни тавсия қилишди. Уни ҳо-
вончада туйиб есам бўладими?

ЖАВОБ: Гўшти ейила-
диган ҳайвонларнинг ет-
тита аъзосини ейиш макру-
ҳи таҳримийдир. Улар қуйи-
дагилар: урғочи ҳайвоннинг
жинсий аъзоси, мояги, без-
лари, сийдик қоппи, ўт пуфа-
ги, бўғзидан отилиб чиққан
қони, эркак ҳайвоннинг
жинсий аъзоси.

Ҳаром қилинган мазкур
аъзолар ичида тишлари са-
налмаган. Шундай экан,
шаръий йўл билан сўйилган
гўшти ҳалол ҳайвонларнинг
тишларини истеъмол қилиш
инсон саломатлигига зарар
қилмаса, ейиш жоиз.

САВОЛ: Операция орқа-
ли кўзи ёриган аёл қон кўрмай
қолган. Бу ҳолатда эр-хотин-
лик муносабатлари қандай
бўлади?

ЖАВОБ: “Покликнинг
энг кам муддати ўн беш
кун. Кўпининг чегараси йўқ.
Чунки у бир-икки йилга чў-
зилиши, баъзида умуман
ҳайз кўрмаслиги ҳам мум-
кин” (“Фатҳу бобил Иноя”).

Шариат аёлга қўйган ай-
рим тақиқ ва рухсатлар ун-
дан келаётган қон сабабли-
дир. Шунинг учун аёл то қон
кўрмагунча пок ҳукмида
бўлади: эр-хотинлик муно-
сабатлари ман қилинмайди.

САВОЛ: Эҳтилом бўлга-
нимни унутиб, нафл тавоф
қилиб қўйибман. Бу ҳолда қан-
дай йўл тутаман?

ЖАВОБ: Аслида ҳар қан-
дай тавофни, ҳатто нафл та-
вофни ҳам таҳоратли ҳолда
қилиш вожиб. Агар Маккада
бўлсангиз, покланиб, тавоф-
ни қайта қиласиз. Бордию,
саволни ватанга қайтгач
сўраётган бўлсангиз, Мак-
кага пул жўнатиб, Ҳарам ҳу-
дудида кўй сўйдиришингиз
лозим.

Таъкидлаш жоиз, бил-
масдан нопок ҳолда тавоф
қилган кишига жарима ло-
зим бўлса-да, гуноҳкор бўл-
майди. Аммо қасддан но-
пок ҳолда тавоф қилган
киши жаримага қўшимча
гуноҳкор ҳам бўлади.

📌 5-бетда

Саждаи саҳвда бир марта сажда қилса...

(Давоми.)

Бошланиши ўтган сонларда.)

Бир киши томонидан намозда саждаи саҳв вожиб бўладиган бир неча хатолар содир бўлса, бир маротаба саждаи саҳв қилиш нуқсонлар ўрнини тўлдириш учун кифоя қилади (*“Раддул мухтор”*).

Агар саждаи саҳв ҳолатида хато қилиб, бироз вақт ўйланиб қолса, унга иккинчи маротаба саждаи саҳв қилиш вожиб бўлмайди (*“Фатавойи Оламғирия”*).

Ҳикоя. Бир маротаба Имом Муҳаммад раҳимахуллоҳ Имом Кисой раҳимахуллоҳдан (Имом Кисой Имом Муҳаммадга холавачча ака эди. У наҳв илмининг забардаст имоми): “Фикҳ илми жуда аҳамиятли бўлишига қарамай, сиз нима учун у билан шуғullanмайсиз?” деб сўради. Имом Кисой: “Наҳв илмини тўлиқ эгаллаган киши бошқа илмларга ҳам йўл топа олади”, деб жавоб берди. Имом Муҳаммад: “Яхши, мен сиздан бир масалани сўрайман, сиз наҳв илмидан фойдаланиб, унга жавоб беринг-чи: саждаи саҳвда хато қилиб, бир муддат ўйланиб қолган киши ҳақида нима дейсиз?” деди. Имом Кисой: “Унга саждаи саҳв вожиб бўлмайди”, деб жавоб берди. Имом Муҳаммад: “Сиз бу ҳукмни наҳвнинг қайси қоида-сидан чиқардингиз?” деди. Имом Кисой: “Мусаффар (кичрайтирилган) исм икки марта тасфир қилинмайди (кичрайтирилмайди), деган қоидадан чиқардим”, деб жавоб берди. Имом Кисойнинг бу донолиги Имом Муҳаммадни ҳайрон қолдирди (*“Тахтовий”*).

Орамиздаги одамлар

Қўшқўпир туманида Раҳим ота Нуруллаевни танимаган киши бўлмаса керак. Ёши саксонга қараб кетаётган бу инсон умр бўйи қишлоқ хўжалиги тизимида фаолият юритди. Қақраб, шўрлаб ётган ерларни ўзлаштириб, боғу роғлар яратди. Юзлаб ўғил-қизларни, миришкорларни иш билан таъминлади. Уларнинг уйига, оиласига файз-барака киришига сабабчи бўлди. Бугун эса, кекса боғбоннинг шогирдлари ва шовуллаган боғлари кўпнинг қорига ярапти.

Раҳим Нуруллаевнинг ота-болари муқаддас динимизга хизмат қилиб ўтган. Шундан бўлса керак, Раҳим ота ҳам Ислом арконларига алоҳида муҳаббат қўйган. Қаерда масжид қуриладими, азиз-авлиёлар манзилгоҳлари

Саждаи саҳв вожиб бўлган киши икки сажда ўрнига фақат бир марта сажда қилиб, сўнг ташаххууд, салавот ва дуо ўқиб салом берса, агар қасддан шундай қилса, гуноҳкор бўлади. Агар унутиб битта саждани тарк қилган бўлса, зиёни йўқ (*“Тахтовий”*).

Намозни қаср қилиб ўқиётган мусофир саждаи саҳвдан сўнг, салом беришдан олдин муқимликни ният қилса, унга намозини тўрт ракат қилиб қайтариб ўқиши ва охирида саждаи саҳв қилиши вожиб бўлади (*“Фатавойи Оламғирия”*).

Киши пешин ёки хуфтон намозида адашиб уч ракат ўқиб ўтириб олса, бундан сўнг намозни уч ракат ўқиганини билатуриб, ташаххуудни муқаммал ўқиб саждаи саҳв қилиб, сўнг уч ракатда салом берса, намози дуруст бўлмайди. Чунки саждаи саҳв ракатларнинг ўрнига ўтмайди. Саждаи саҳв вожибнинг тарки учун ёки вожибни муқаддам ёки муаххар қилиш ва шу каби нуқсонларнинг ўрнини тўлдириш учун қилинади (*“Ад-дуррул мухтор маъа Раддил мухтор”*).

Биринчи ракат ёки учинчи ракатнинг саждасини қилгандан сўнг иккинчи ёки тўртинчи ракатга туришда бироз микдор ўтиргандан кейин туриш “истироҳат жалсаси” дейилади. Шофеъийлар наздида бу иш мустаҳабдир. Бундай қилиш билан саждаи саҳв вожиб бўлмайди (*“Раддул мухтор”*).

Агар бир киши рукудан тургач,

қавма ҳолатида хотиржамлик билан турмаса ёки икки сажда орасида хотиржамлик билан ўтирмаса, агар унутиб шундай қилган бўлса, саждаи саҳв вожиб бўлади. Қасддан бундай қилиш ёки шунга одат қилиб олиш қаттиқ макруҳдир. Бундай намозни қайтариб ўқиш зарурдир (*“Раддул мухтор”*).

Агар киши руку, сажда ёки қиёмда Аттаҳиётни ўқиса, унга саждаи саҳв вожиб бўлмайди (*“Тахтовий”*).

Агар бир кишининг тасбеҳ намозида саҳв бўлса, саждаи саҳвнинг тасбеҳларини, яъни “Субҳаналлоҳи валҳамдулиллаҳи валаилаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар”ни ўқимасин, балки “Субҳана Роббиял аъла”ни ўқисин (*“Тахтовий”*).

Агар тасбеҳ намозини ўқиётиб рукуда “Субҳаналлоҳи валҳамдулиллаҳ” тасбеҳини ўқишни унутса ва саждада икки маротаба ўқиса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Худди шундай, бирор рукнда ўн маротаба ўрнига ўн беш маротаба тасбеҳ айтса ҳам саждаи саҳв вожиб бўлмайди (*“Раддул мухтор”*).

Бир киши намозда сажда оятини тиловат қилса, дарҳол тиловат саждасини қилмаса ва бир оздан сўнг ёдига келгач, тиловат саждасини қилса, унга саждаи саҳв вожиб бўлади (*“Раддул мухтор”*).

Имом сажда оятини ўқигандан сўнг тиловат саждасини қилмаса, балки дарҳол ёки икки-уч оят ўқигандан сўнг рукуга кетса ва рукуда

тиловат саждасини ният қилса, тиловат саждаси адо топади.

Танбеҳ. Бугунги кунда кўпчилик одамлар сажда оятларидан беҳабарлар. Шунинг учун имом жаҳрий намозда сажда оятини ўқиса, дарҳол тиловат саждасини қилиши лозим. Шунда у билан бирга барча муқтадийларнинг ҳам тиловат саждалари адо бўлади. Рукуда тиловат саждасини ният қилиш билан фақат имомнинг тиловат саждаси адо бўлади ва имом билан бирга муқтадийлар ният қилмасалар, уларнинг тиловат саждалари адо бўлмайди. Агар махфий намозда имом сажда оятини ўқиса ва рукуда тиловат саждасини ният қилса, имомнинг ҳам, муқтадийларнинг ҳам тиловат саждалари адо бўлади. Муқтадий хоҳ ният қилсин, хоҳ ният қилмасин (*“Ад-дуррул мухтор маъа Раддил мухтор”*).

(Давоми бор.)

Ёрқинжон ФОЗИЛОВнинг
“Саждаи саҳв масалалари”
китобидан



“Бунча ҳам яхши мусулмон..”

обод қилинадими, хуллас, хайрли амалларга Раҳим ота бош-қош. — Мен бундай ишлардан куч оламан, — дейди у. — Шунинг учун ҳам эзгуликка бош қўшгим келади. Одатда, бунга ёшларни ҳам ундаб келаман. Негаки, улар буюк тарихимизни ўрганади, улуғ аждодларимизга муносиб авлод бўлиб улғаяди.

Раҳим ота бировга яхшилик қилмаса, туролмайдиган одам. Узоқ-яқиндаги бирон оиланинг қийналиб турганини эшитса, дарҳол қўлидан келган ёрдамни аямайди. Аммо бу ҳақда кимсага оғиз очмайди.

Буни қарангки, Раҳим ота ҳамон ҳаж зиёратига бормаган. Дарвоқе, бир гал ҳажга бориш учун

ариза ёзиб ўтирганида қўл остида ишлайдиган бир йигит уйланишга қарзи ҳасана сўраб келади. Ота эса аризани шу жойида тўхтатади. Шарт уйига бориб, жамғариб қўйган маблағини олиб ҳалиги йигитнинг қўлига тутқазади.

— Ишни йиғиштириб, тўй тарадудини кўр, — дейди Раҳим бобо. — Насиб бўлса, элга ош берамиз.

Отанинг айтганидай, тез орада шодиёна бошланди. Йигит оила курди. Сўнг кетма-кет фарзандлари туғилди.

Раҳим ота яна ҳажга бораман деб турганида маҳалласида яшовчи бир етимнинг додини эшитиб қолди. Кўз юмиб кетолмади. Тўғрироғи, виждони йўл қўймади. Бу ҳам Аллоҳнинг ундови, деб

билди-да, ҳалиги боланинг мушқулини осон қилди.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Албатта, бу мол ширин, ям-яшил нарсадир. Мискинга, етимга ва йўловчига берилган молнинг эгаси бунча ҳам яхши мусулмондир!”** дея марҳамат қилганлар (*Муттафақун алайҳ*).

Мўмин киши Аллоҳ йўлида бирор яхшилик қилса, завқланади, кўнглига яна олам-олам яхшиликларни тугиб қўяди. Раҳим ота ҳам бир талай эзгуликларни мақсад қилган. Аллоҳ таоло ҳаммамизни халқимизга, мусулмон умматига нафи тагадиган бандаларидан қилсин.

Отаназар ХЎЖАЕВ,
Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани

Яқинда ижтимоий тармоқларда бир видео тарқалди. Унда ўсмир ўқувчи ўқитувчининг талабини бажармай, қайсарлик қияпти. Сал бўлмаса, устозига қўл кўтаришга ҳам тайёр. Бунни кўриб, рости, титраб кетдим.

Афсус, сўнгги пайтларда ёшлар орасида бу каби бедодликлар кўпайиб бормоқда. Нега? Чунки болаларимиз тарбияси билан дуруст шуғулланмаяпмиз. Уларни ўз ҳолига ташлаб қўйганмиз. Демак, ҳаммасига ўзимиз – ёши катталар айбдор. Агар ўша безори боланинг ота-онасига айбдорлигини айтсангиз, тамом, балоба қоласиз. Оғзингиздан олиб, ёқангизга ёпиштиради. Лекин у ҳеч қачон ўзини ўқитувчининг ўрнига қўйиб кўрмайди. Ахир мўмин киши фарзандига тўғри тарбия бериши, ўзгаларнинг дилига озор етказмаслиги лозим-ку! Энди масаланинг моҳиятига етиб келдик. Бизда диний билим ва мўминлик хислати етишмайди.

Хўш, ўзимизнинг хулқимиз аёломи? Кўча-кўйга назар ташласак, албатта, бир дилбўзарликка гувоҳ бўламиз. Масалан, катта йўлнинг ўртасида ҳайдовчиларнинг бир-бири билан тортишуви, қўпол сўзлар билан сўқиниши одатий ҳолга айланган. Чунки одамларимизда ўзаро ҳурмат ҳисси етишмайди, мен манзилимга эртароқ етсам бўлди, бошқалар билан ишим йўқ, деган кайфият устувор. Ҳаммаси

Жумбоқли ҳикоялар

Аёл макри

Қишлоқ чеккасидан ўтиб кетаётган мусофир киши қудуқдан сув олаётган аёлга кўзи тушиб, ундан: “Хотинлар макри нима?” деб сўради. Аёл дод солди. Мусофир: “Сенга озор берадиган ҳеч иш қилмадим, нега бақиряпсан?” деб сўради. Аёл: “Фарёдимни қишлоқ аҳли эшитди, энди сени ё калтаклашади, ё ўлдиришади”, деди ва челақ тўла сувни ўзининг устидан қуйди. Одамлар етиб келиб, ундан нега “дод-вой” қилганини сўрашди. Аёл жавоб берди. Қишлоқ аҳли мусофирни иззатикром билан меҳмон қилишди. Мусофир эса аёл макри қандай бўлишини тушунди.


Савол: Аёл қишлоқдошларига нима деб жавоб берган?

тарбиянинг етишмаслигига бориб тақалади. Кечирасиз-у, бундайларга тўғри гапни уқтириб ҳам, уларни уриб-сўқиб тарбиялаб ҳам бўлмайди. Фақат гўзал ўртак бўлиш орқали таъсир қилиш мумкин.


Янгиликлардан воқиф бўлай деб интернетга кирсангиз, дилни ғаш қилувчи ҳолатларга тез-тез дуч келасиз. Нега? Чунки ижтимоий тармоқлар ғийбату ёлғонлар, ҳақоратлар билан тўла. Бу иллатлар на динимиз, на миллий қадриятларимизга тўғри келади. Демак, тарбиямиз жудаюм ислоҳга муҳтож.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Муслим ривояти). Одобли-тарбияли бола бошқалардан ажралиб туради, ота-онасига, жамиятга, миллатга раҳмат олиб келади. Бугун улкан ютуқларни қўлга киритаётган юртимиз ёшлари, биринчи навбатда, оилада яхши тарбия топишган, десак хато гапирмаган бўламиз.

Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти битирган. Фаолиятини ушбу олий таълим муассасасида ўқитувчиликдан бошлаган. Сўнггра “Катта Қозиробот” масжиди имом ноиби бўлган. Ҳозир “Катта Қозиробот” жоме масжиди имом-хатиби бўлиб хизмат қилмоқда.



Абдурахмон АСҚАРОВ,
Чилонзор тумани “Катта Қозиробот” масжиди имом-хатиби.



Сув пули

Қадимда бир сут сотувчи ҳаж сафарига кемада йўлга чиқди. Кема қирғоқдан анча узоқлашгач, қаердандир пайдо бўлган маймун унинг ҳамёнини олиб қочди ва баланд елкан тиргагига чиқиб кетди. Сут сотувчини ғам босди. Бор маблағи шу эди-да.

Маймун тиргак учига ўтириб олиб, ҳамёни титкилай бошлади. Ундан олтин танга олиб, бироз томоша қилди-да, денгизга улоқтирди. Кейин яна битта олтин тангани олиб, у ёқ-бу ёғига қарагач, бу сафар ҳамёнининг эгасига отди. Шу тарзда бирини сувга, бирини ҳамён эгасига отаверди...

Сут сотувчининг ҳаяжондан ўлишига бир баҳя қолди. Атрофдагилар: “Кемада бир улғу олим бор, келинлар, бу масалани ундан сўраб, жумбоқнинг тагига етайлик”, дейишди. Бориб олимга содир бўлган воқеани айтиб беришди.

Савол: Олим ва сут сотувчи ўртасида қандай савол-жавоб кечди ҳамда ҳодиса қандай шарҳланди? Жавобларингизни кутиб қоламиз.

Шоакрам ХУДОЙБОҚОВ,
Қуйи Чирчиқ тумани Чинобод маҳалласи

Масала

3-бетда

САВОЛ: Эҳромдаги киши тиш пастасидан фойдаланиши жоизми?

ЖАВОБ: Эҳромда хушбўйлик суриш тақиқлангандир. Ҳатто фуқаҳоларимиз хушбўй нарсани истеъмол қилиш ҳам жоиз эмаслигини таъкидлаганлар.

Лекин тиш пастасига араштирилган хушбўйлик миқдори кўп бўлмагани сабабли эҳром ҳолатида тиш ювиш садақа ёки қурбонликни вожиб қилмаси-да, макруҳ бўлади (“Фатавоий Раҳимийя”).

Демак, зарурат бўлмаса, эҳромдаги киши тиш пастасидан фойдаланмагани мақсадга мувофиқ.

САВОЛ: Намозни қандай амаллар бузади?

ЖАВОБ: Намозни куйидаги амаллар бузади:

- озми-кўпми дунёвий сўзни сўзлаш (беихтиёр бўлса ҳам);
- салом бериш ёки саломга алик олиш;
- еб-ичиш;
- намозхоннинг кўкраги қибладан бошқа томонга бурилиши;
- бирор рукн асносида бир амални уч марта қилиш (масалан, кийимни тўғрилаш, қашиниш ва ҳ.к.);

- ўзи эшитадиган даражада кулиш. Ёнидаги киши эшитса, таҳорати ҳам, намози ҳам бузилади;
- дунёвий иш учун “уф” тортиш ёки “оҳ-воҳ” уриш ёки йиғлаш. Охират ғамида йиғласа, намози бузилмайди;

- узрсиз томоғини қириш ёки атайлаб йўталиш;

- намоз асносида акса уриб, ҳамд айтган кишига “ташмит” айтиш;

- гарчи, Қуръон ояти билан бўлса-да, бирор хабарга жавоб бериш (масалан, “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун” дейиш);

- таяммум билан намоз ўқиётган кишининг сувга қодир бўлиши;

- бомдод намозини ўқиш пайтида қуёшнинг чиқиши;

- такбири таҳримада “Аллоҳу акбар” лафзидаги “а” товушини чўзиш, яъни “Аааллоҳу акбар”, дейиш (бундан ташқари, “Акбар” лафзидаги “а” товушини чўзиб “Ааакбар” ва “ба” товушини чўзиб “Акбаар” дейиш ҳам намозни бузади);

- сура ва дуоларни китобга қараб ўқиш;

- одамлардан сўраладиган нарсани сўраб дуо қилиш (масалан: “Эй Аллоҳ, менга кўп мол-мулк бер”, ёки “Фалонага мени уйлантир”, каби) (“Мухтасарул Виқоя”, “Нурул изоҳ”).

7-бетда

Қарз олди-бердисига доир ҳукмлар

Инсон ҳаёти доимо бир хил ўтмайди. Баъзида қарз берса, баъзан қарз олишга мажбур бўлади. Мўмин киши қарздор бўладими, қарз берувчиси — бу борада ҳам шариат кўрсатмаларига риоя қилиши шарт.

“Қарз” сўзи луғатда “кесиш” маъносини англатади. Бу сўз “кесиб олиб берилган” маъносида ишлатилади. Яъни, қарзга берилган маблағ қарз берувчининг молидан кесиб олиб берилган бир бўлак бўлгани учун ҳам у қарз деб номланган. Истилоҳда эса, қайтариб олиш мумкин бўлиши учун айнан тенги бор (мислий) маблағни бировга бериб туриш қарз дейилади.

Айнан тенги бор маблағга ё ҳажми, ё вазни, ё адади билан аниқланадиган моллар киради.

Демак, қарз бериладиган мол мазкур уч турнинг биридан бўлиши лозим. Уларга кирмайдиган нарсаларни, масалан, кўчмас мулкларни айнан тенги бўлмагани учун қарзга бериб бўлмайди. Аммо нон аслида айнан тенги бор нарсалардан бўлмаса-да, унга эҳтиёж юқори бўлгани учун адади ёки вазни билан ўлчаб, қарз олиш жоиз.

Қарз беришнинг ҳукми

Шариатда муҳтожларга кўмак беришга тарғиб қилинган. Шунга

кўра, қарз беришнинг умумий ҳукми мандуб, яъни уни адо қилиш афзал амал ҳисобланади. Аммо қарз сўровчининг ҳолатига қараб мазкур ҳукм ўзгариши мумкин:

— агар қарз сўровчи шариат ман қилмаган бирор зарур эҳтиёжи учун сўраётгани аниқ бўлса, ўзига тўқ кишининг унга қарз бериши вожиб бўлади;

— агар киши олган қарзини маъсият ишларга сарфлаши аниқ бўлса, унга қарз бериш ҳаром бўлади;

— агар олинган қарзнинг маъсият ишларга сарфланиш эҳтимоли бўлса, қарз бериш макруҳ саналади;

— агар қўлида маблағи бор киши бирор зарурий эҳтиёж учун эмас, балки тижоратига кўпроқ пул тикиб, янада кўпроқ даромад кўриш учун қарз сўраса, унга қарз бериш мубоҳ бўлади.

Қарз олишнинг ҳукми

Қарз сўрашнинг умумий ҳукми мубоҳ, яъни жоиз амал ҳисобланади. Чунки инсон баъзида ўзининг бирор эҳтиёжини бартараф этишга мажбур бўлади. Аммо қарз сўровчининг ҳолатига қараб мазкур ҳукм ўзгариб туради:

— эҳтиёжни бартараф этиш зарур ва олган қарзини тўлашга кўзи етган киши учун қарз олиши жоиз бўлади;

— олган қарзини тўлашга кўзи етмайдиган киши учун, модомики, бирор зарурий эҳтиёж уни зўрламасдан туриб қарз олиши жоиз бўлмайди;

— агар олган қарзини тўлашга кўзи етмайдиган киши бирор зарурий эҳтиёжга дучор бўлиб, қарз кўтаришга мажбур бўлиб қолганда ҳам қарз берувчи инсон унинг тўлашга қурби етмаслигини билиши лозим бўлади. Ана шунда қарз берувчи молини ўз ихтиёри билан унга берган бўлади. Шунга кўра, олган қарзини тўлашга кўзи етмайдиган кишининг қарз сўраётган пайтда ўзини тўлайдиган қилиб кўрсатиши ҳаром. Чунки унинг бу иши қарз берувчини алдаш ҳисобланади.

— қарздор қарзни тўлашга қодир бўлиши билан уни тўлаши лозим бўлади. Чунки имкони бўлганда қарзини тўламасдан чўзиб юриш ёки қарздан қутулиш йўллари қидирмаслик зулм қилиш ҳисобланади.

Шунингдек, қуйидаги одобларга риоя қилиш кўплаб яхшиликларга сабаб бўлади:

— бирор муҳим заруратсиз қарз олишдан сақланиш. Яъни, қандайдир “орзу-ҳавас”га эришиш учун қарздор бўлиш мусулмон одобига тўғри келмайди. Ривоят қилинишича, ўтган замонда бир қарздор

киши одамларнинг қарзини бермасдан от миниб юрар экан. Шунда қози уни қозихонага чақиртирибди. У отини боғлаб ичкари кириши билан қози ташқарида унинг отини соттириб, пулини қарз эгаларига тақсимлаб берибди. Ҳалиги киши чиқиб: “Отим қани?” деса, қози: “Қарздор бўлиб от миниб юрганингдан кўра, қарзсиз пиёда юрганинг афзал”, деб жавоб берган экан”;

— заруратига яраша қарз олиш. Масалан, эллик минг сўм керак одам “етмиш минг сўм олиб қўяверай-чи, у ёғи бир гап бўлар” демаслиги, балки керакли қарз билан кифояланиши керак;

— имкон қадар солиҳ кишилардан қарз олиш. Яъни, бирор пасткаш кимсадан қарз олса, уни қарз олганига пушаймон едириши мумкин;

— қарзни бекаму кўст қайтаришда ташаккур айтиб, миннатдорлик билан қайтариш.

(Давоми бор.)

Абдулқодир АБДУРРАҲИМ,

Имом Бухорий номидаги

Тошкент ислом институти

Ақоид ва фикҳий фанлар кафедраси

доценти,

тарих фанлари бўйича фалсафа

доктори

Табиат

Бугунги кунда дунёнинг йирик шаҳарлари, жумладан, Тошкентда ҳам ҳаво ифлосланиб бораётир.

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги маълумотларига кўра, яшил ҳудуд қамрови йил сайин камайиши, бетартиб қурилишлар, автотранспорт воситалари сони кескин ортиши пойтахт ҳавосининг ифлосланишига сабаб бўляпти.

Ҳозир шаҳарда бир кунда ўртача 730 мингта, кўшимча равишда 160 мингдан 300 минггача автотранспорт воситаси ташқаридан кириб келади. Афсуски, уларнинг аксарияти халқаро стандартларга жавоб бермайдиган А-80 маркали бензин ёқади.

Пойтахтимиздаги мавжуд 6 та иссиқлик марказида кўшимча сифатида мазут ёқилғисидан фойдаланилмоқда. Улардан чиқаётган моддалар инсон саломатлиги билан бирга табиатни ҳам заҳарлайди.

Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш учун Тошкент шаҳрида атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш бўйича биринчи ва иккинчи тоифали саноат корхоналарида чанг-газ

тозалаш ускуналари ўрнатилаёпти ва ишлаб турганлари янгиланяпти. Шунингдек, экология соҳаси мутасаддилари автотранспорт воситалари тирбандлигини камайтириш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида куннинг ҳаракат тизими бўлган вақтларида юк ташувчи транспорт воситалари ҳамда 2010 йилгача ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари ҳаракатини чеклашни тақдир қияпти.

Жамоат транспортини тўлиқ электр, газ-баллон ёқилғиси ва бошқа муқобил ёқилғи турларига ўтказиш, йўл инфратузилмасини ташкил этиш, барча турдаги қурилиш объектларини (ижтимоий ва давлат аҳамиятига молик объектлар бундан мустасно) қуришга мораторий эълон қилиш ҳам тақдир этиляпти. Саноат мақсадида кўмир ёқилғисидан фойдаланишни тақиқлаш, микроиқлим мўътадиллигини таъминлаш, сунъий сув ҳавзаларини барпо этиш, иссиқлик марказларида мазутдан фойдаланишни кескин тақиқлаш, атмосфера ҳавосининг сифат

кўрсаткичини доимий эълон қилиб борадиган табло ва мониторлар ўрнатиш ҳам мақсад қилинган.

Ҳозир пойтахтимизнинг ҳавоси таркибида зарарли РМ_{2,5} дисперс заррачалари меъёридан ортиб бормоқда. Бу заррачалар нафас йўлидан ўтиб, алвеолалар ва ўпка капиллярларига, тизимли қон оқимида, турли аъзоларга кириб, тўқималарнинг хужайраларига бевосита таъсир кўрсатади.

Тошкент шаҳрининг ҳавосини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар натижаси учун маълум муддат зарур. Шу сабабли мутахассислар РМ_{2,5} дисперс заррачаларидан ҳимояланиш бўйича тавсиялар берган.

Эшик ва деразаларни кечаси ва эрта тонгда зич ёпиш, кўпроқ сув ичиш, очиқ ҳаводаги ҳаракатни чеклаш, тез-тез душ қабул қилиш, ташқаридан уйга киргач, оғиз ва бурун бўшлигини тузли эритма билан ювиб ташлаш лозим.

Чангли ҳавода саломатлигинизга эътиборли бўлиб, кўрсатмаларга амал қилинг. Тез орада пойтахт ҳавоси тозаланади. Атроф-муҳит мусаффолиги ва хонадонингизнинг озодалигини сақлаш билан экологиянинг яхшиланишига ўз ҳиссангизни қўшинг.

Иброҳим МАМАТҚУЛОВ,

Тошкент шаҳар “Шайх Зайниддин”

жоме масжиди имом ноиби

Иброҳим Маматқулов 1981 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 2000 йили “Қўқалдош” мадрасасини битирган. Пойтахтимиздаги “Умар ибн Хаттоб”, “Катта Қозиработ”, “Абу Сахий”, “Минор” масжидларида имом ноиби бўлиб ишлаган.

2023 йилдан бери “Шайх Зайниддин” жоме масжидида имом ноиби бўлиб ишлайди.




Сариосиё туманининг Ёкутли боғ маҳалласида Абдуғаффор отани танимайдиган, унинг ҳикмати сўзлари, доно маслаҳатларидан баҳраманд бўлмаган одам бўлмаса керак. Бобонинг ўсмирлиги уруш йилларига тўғри келди, отасидан эрта айрилди. Болалигидан меҳнатда суяги қотди. Умр бўйи деҳқончилик билан кун кечириб, ҳалол ризқ топди. Шу билан бирга, устозлардан таълим олиб, Қуръони каримни ўрганди. Қарийб йигирма йил масжидда имомлик қилди. Элнинг иссиқ-совуғига аралашиб яшади.

Ёкутли боғ ва Теракзор маҳаллалари ҳудудини Обизаранг дарёси кесиб ўтади. Дарё неча йилдирки, аҳолига машаққат туғдириб келади. Қанчадан-қанча одамларнинг умрига зомин ҳам бўлган.

Бир куни қишлоқдаги

Дунё масжидлари

Пекиндаги Ниуза жомеи



Ниуза мажмуаси пекинлик 250 минг мусулмоннинг диний, ижтимоий йиғинлари маркази ҳисобланади. Мажмуа таркибидан Пекиннинг энг қадимги ва энг йирик

масжиди — Ниуза ўрин олган. Масжид милодий 996 йили Ляо сулоласи ҳукмронлиги даврида қурилган. Уни имом Назруддиннинг ўғли лойиҳалаштирган. 1215 йилда Чингизхон қўшинлари уни вайрон қилган. 1442 йилда масжид қайта қурилиб, кенгайтирилган. Цин сулоласи даврида масжид атрофидаги бозорлар ҳалол гўшлари билан машҳур бўлган.

Пекинда мусулмонларнинг озиқ-овқат дўконлари йўл бўйлаб жойлашган ва кўплаб кўча белгиларида арабча ёзувлар мавжуд. Ниуза мажмуасидаги 42 та хонадан энг аҳамиятлиси 600 м² намозхонадир. У бир вақтнинг ўзида 1000 дан ортиқ намозхонни сиғдира олади.

Масжид меъморчилик нуқтаи назаридан, Ислом ва хитой бадиий безагининг ажойиб уйғунлиги ҳисобланади. Имомлар ҳар йили

Рамазон ойининг бошланишини аниқлаш учун масжид минорасидан ҳилолни кузатиб боришган. Минора ҳам, асосий намозхонанинг ички қисми ҳам мусулмон бўлмаганлар учун ёпиқ бўлиб, аёллар фақат муайян ҳудудларгагина киришлари мумкин. Масжиднинг олд дарвозаси фақат Рамазон ва Курбон ҳайитида очилади.

Масжидга асос солган араб имоми Назруддиннинг ўғли ҳамда Буюк Ипак йўли бўйлаб Марказий Осиёдан Хитойга келган икки шайх ҳовли боғида дафн этилган. Масжид мажмуасида бир нечта тошлавҳалар, жумладан, икки шайхнинг қабр тошларига битилган ёзувлар ва Цин сулоласини ағдариш фитнаси юз берган вақтда озчилик мусулмонларни оқлаган Кангси императорининг (1654–1722 йилларда яшаган) ёдгорлик

Рангин туйғулар

Баҳор. Она заминга зангор кўрпачалар тўшалгандек, гўё. Олислардан оппоқ дўппи кийгандек тоғлар кўринади. Ўйноқи шаббодалар нима ҳақдадир шивирлаб, тинчимни ўғирлайди. Табиат уйғонганини ҳис этаман. Тириклик нашидасидан сармаст бўлар эканман, номсиз туйғулар юрагимга соғинч бўлиб қуйилади. Кимнидир кўргим, дилимдаги нолаю фарёдими, қувончу орзуларимни айтгим келади. Аммо кимга?

Румий ҳазратларининг сўзлари миямга урилади: “Қуръонга кўзинг билан боқсанг, ёзувни кўрасан. Ақлинг билан қарасанг — илмни кўрасан. Қалбинг ила боқсанг, ишқни кўрасан. Бутун руҳинг билан боқсанг, Раббингни кўрасан!”

Баҳор юрагимга Раббим соғинчини солди...

Ўқидим. Кўплаб китоблар ўқидим. Китоблар дунёсида китобларга айланиб яшадим. Ўнгимда китоб, рўёларимда китоб. Шунданми, тилларим фақат ботинимда айланади. Давраларга кирсам, тилларим эмас, кўзларим сўзлайди. Аммо буни ким ҳам тушунарди! Гапиролмасам, юрагимни тўкиб сололмасам.

«Минг йил ўқисам-у, мендан “Нимани билдинг?” деб сўрасалар, “Ҳаддимни билдим”, дейман» (Мавлоно Жалолиддин Румий).

“Дўстлик” кўприги

йиғинларнинг бирида Абдуғаффор ҳожи бобо йиғилганларга мурожаат қилди:

— Обизаранг устига кўприк қуриш вақти келди. Каъбатуллоҳни яна зиёрат қилиш мақсадида йиғиб қўйган маблағим бор эди. Уни мазкур иншоот қурилишига сарфламоқчиман, нима дейсизлар?

Бу сўзлардан қишлоқ аҳли қувониб кетди:

— Ҳожи бобо, Аллоҳ бу эзгу ниятингизни қабул қилсин! Бу хайрли ишда биз ҳам сизга кўмакчи бўламиз! Уни ҳаммамиз биргаликда амалга оширамиз, иншоаллоҳ! — дейишди.



2017 йилнинг баҳорида ҳожи бобонинг ташаббуси билан кўприкни қуриш ишлари бошланди. Бу хайрли тадбирда қишлоқ аҳли фаол иштирок этди. Қўшни туманларда яшовчи тадбиркорлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишди. Натижада Обизаранг устида узунлиги

18 метр, эни 2,5 метрли “Дўстлик” кўприги барпо этилди. Мана, бир неча йилдирки, “Дўстлик” маҳаллий аҳолига беминнат хизмат қилиб келмоқда.

Нижозмурод МУРОДОВ,
фахрий педагог

Масала

5-бетда

САВОЛ: Беҳушлик ёки мажнун (жинни)лик сабабли ўз вақтида ўқилмаган намозларнинг қазоси ўқиладими?

ЖАВОБ: “Бир кеча-кундуз (ё ундан кам) муддат мажнун бўлган ёки беҳушлик етган киши (ўзига келгач,) қолдирган намозларининг қазосини ўқийди. Агар мажнунлик ёки беҳушлик бир кеча-кундуздан ошадиган бўлса, қолдирган намозларининг қазосини ўқимайди” (“Мухтасарул Виқоя”).

“Агар беҳушлик маст қилувчи ичимликни истеъмол қилиш каби гуноҳ йўллар орқали воқе бўлса, бир кеча-кундуздан ошса ҳам, барча уламоларимизнинг наздида ундан қазо бўлган намозлар соқит бўлмайди” (“Мухит”).

“(Беморлик сабаб ҳатто) имо-ишора билан ҳам ўқилмаган намозларининг қазоси ўқилмайди” (“Фатаввойи ҳиндия”).

Ўзбекистон мусулмонлари
идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44

тоши бор. Масжидда сақланган бошқа ашёлар орасида қадимий чинни ва мумтоз исломий матнлар бор.

Яқинда Ниузада 20 миллион юанлик пардозлаш ишлари амалга оширилди ҳамда масжид ҳудуди сезиларли даражада кенгайтирилди. Бу эса масжидга иккита қўшни бинони тиклаш имконини берди, улардан бири аёллар учун алоҳида намозхона бўлиб хизмат қилади.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

Набираларим учун...

Одамлар нега бунақа? Нега бир-бирини алдашади, нега бири-бирига туҳмат тошларини отишади? Нега қонли урушларни излаб топишади? Осудаликка нима етсин! Кенгликларга чиқиб, ям-яшил далада кўкка боқишни, кўк билан суҳбатлашишни, кўк билан сирлашишни ёқтираман. Болалигимда синглим иккимиз кўм-кўк бедзорда осмонга боқиб шеърлар айттардик. Шеър айтишувимиз анча вақтга чўзиларди. Бизнинг болалигимизни интернет ўғирламагани, беғубор онларимизни телефон

зое кеткизмагани...
Ҳар қандай цивилизациянинг энг юқори чўққиси — охир-оқибат

пастга кулаш. Мен шу кулашдан кўрқаман. Ўзим учун эмас, набираларим, келажак авлод учун кўрқаман.

Шуларни ўйлар эканман, юрагимни ҳадик, ҳафалик, дилхиралик эгаллайди. Румий ҳазратлари ҳаёлимда ёнгинамга келиб: “Хафа бўлманг! Оёғингизга ботаётган тиканлар сиз қидириб бораётган гулнинг хабарчиси-дир...” деяётгандек бўладилар. Юрагимга таскин инади...

Зебо ОМОНОВА



Одам алайҳиссаломдан кейин

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссалом зурриётига барака берди. Улар кўпайишиб, бутун дунёга тарқалди. Агар Одам алайҳиссалом қайтиб келиб, авлодларини кўрганида, шубҳасиз, танимай қолардилар. У зотга: “Бу сенинг зурриётинг”, дейилса: “Субҳаналлоҳ! Буларнинг барчаси менинг зурриётимми?!” деб ажабланардилар.

Одам алайҳиссалом зурриёти пасту баланд уйлар қуриб, қишлоқларда яшардилар. Оталари каби ер ҳайдаб, экин экиб, деҳқончилик қилардилар. Улар Одам алайҳиссалом динида бўлиб, Аллоҳ таолога ибодат қилар ва У зотни яккаю ягона деб билардилар. Оталари Одам ва Раббилари Аллоҳ бўлган битта халқ эдилар.

(Давоми.

Боиланиши ўтган сонларда.)

Шайтоннинг ҳасади

Иблис ва унинг зурриёти Одам болаларига зимдан ҳасад қиларди. Уларнинг битта халқ бўлиб Аллоҳга ибодат қилишларини кўролмасди. Негаки, улар Одам болалари Аллоҳга тақво қилиб жаннатга, Иблис ва унинг зурриётлари эса осий бўлиб дўзахга киришларини сира-сира хоҳламасдилар. Зотан, уларнинг жаннатдан қувилишига ҳам айнан Одам алайҳиссаломга сажда қилмагани сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам инсонлардан ўч олишни, улар билан бирга дўзахга киришни истардилар.

Шайтоннинг фикри

Иблис одамларни бутларга ибодат қилишга ундади. У билар эдики, Аллоҳ таоло ширкни кечирмайди. Ундан бошқа ҳамма нарсани Ўзи хоҳласа кечиради. Шу боис шайтон одамларни жаннатга кирмасликлари учун

ширкка даъват қила бошлади. У инсонларнинг олдиларига келиб: “Сизлар бутларга ибодат қилинглар, Аллоҳга ибодат қилманглар” деса, одамлар: “Аллоҳ сақласин, Раббимизга ширк келтирамизми? Бутларга ибодат қиламизми? Албатта, сен Аллоҳнинг даргоҳидан қувилган шайтонсан! Албатта, сен лаъинсан!” деб қувиб ҳайдашди.


Шайтоннинг ҳийлани бошлаши

Иблис инсонлар миясига кирадиган эшикни топди. Зеро, қишлар Аллоҳдан кўрқар, Унга кечаю кундуз ибодат қилар ҳамда Уни кўп зикр этардилар. Аллоҳ ҳам уларни яхши кўриб, дуоларини қабул қилар эди. Шайтон бу ишлардан хабардор. Кекса одамлар ўлиб, Аллоҳнинг раҳматига йўл олдилар. Шунда Иблис инсонлар олдига келиб, ҳийласини бошлади. У одамларга ўзларидан аввалгиларни эслатди: “Ораларингизда фалончи, фалончи ва фалончи қандай одам бўлган эди?” Одамлар: “Субҳаналлоҳ!

Улар Аллоҳнинг хос кишилари ва дўстлари эди. Улар дуо қилишса, қабул бўларди, Раббисидан нимани сўрасалар, ато этар эди”, дедилар.

(Давоми бор.)

Абул Ҳасан Али Ҳасан Надавийнинг “Пайгамбарлар қиссаси” китобидан Анвар АҲМАД таржимаси



Имло саводхонлиги

Имло мазмунга таъсир этган ўринларда ўзининг ҳақиқий вазифасини бажаради. Бу ҳукм эмас, албатта. Сарлавҳада келтирилган икки сўзда биргина “бўшлиқ” гап моҳиятини ўзгартириб юборади. У салкам икки соат гапирди.

Шифо Аллоҳдандир

Бронхит қийнаганда...

Бир ош қошиқ қуритилган ялпизни 1 стакан қайнаган сувда дамлаб, 15 дақиқа тиндиринг. Сўнг докадан ўтказиб, сузиб оласиз. Дамлама кун давомида 3 маҳал ичилса, ангина, бронхитга шифо бўлади.

Агар сизни бош оғриғи қийнаётган бўлса, ялпиз мойини икки чаккага суртиш ёрдамида оғриқни енгиллаштиришингиз мумкин. Шунингдек, тез-тез қайталанувчи касаллик хуружларида ҳар куни бир маҳал 1 стакан ялпизли чой ичиш тавсия этилади.

Ялпиздан тайёрланган қайнатма тиш оғриғи, милк ял-

лиғланишларини бартараф этиш, меъда-ичак фаолияти, қабзият кузатилганида, аёлларда ҳайз циклининг ўзгариши, ўт-тош касалликларида тавсия этилади.

Қон босими кўтарилса...

Жағ-жағ дамламаси қон тўхтатиш хусусияти билан бирга, меъда, ўпка хасталиғи ёхуд бурун қонашини даволашда асқатади. Бу дамлама қон босимини тушириш, сийдик йўли касалликлари ва ич кетишида ҳам фойда беради. Ушбу гиёҳ қўшилган сомса ва чучварадан тановул қилсангиз, жигарингизни тозалашга ёрдам беради.

У сал кам, ўн дақиқа гапирди.

Биринчи гапда салкам «...асосан миқдорни билдирувчи сўзлар билан қўлланиб, “бир оз кам” маъносини билдиради» (Ўзбек тилининг изоҳли луғати). У сал ва кам сўзларининг қўшилмаси.

Иккинчи гапда эса, кам сўзидан олдин сал келган. Сал чиройли, сал бошқача, сал яхши каби.

Иккисини ажратишнинг осон йўли – кам сўзига кўшимча (-рок) қўшиш:

Сал камроқ гапир.

Яна бир фарқ, юқорида таъкидлагандек, салкам миқдор билдирувчи сўзлар билан келади: Салкам тўрт кило.

“Тўғри ёзмамиз – мутахассис блоги” каналидан олинди

Сал кам ва салкам

Бошингиз оғриса...

Кўкламда отқулоқ қўшиб тайёрланган чучвара ва сомсалар қон босими кўтарилиши ҳамда меъда хасталикларини даволашда тавсия этилади. 2-3 та отқулоқ баргини муздек сувда чайиб, пешонага қўйилса, бош оғриғини енгиллаштиради. Шунингдек, тана ҳарорати кўтарилганида энса соҳасига малҳам сифатида қўйилса, танадаги иссиқликни олади.

Ўйқусизликка чора

Момақаймоқ баргидан тайёрланган салат иштаҳасизликни йўқотишга хизмат қилади. Қориннинг тез-тез дам бўлишида эса унинг шарбати фойда беради. Кексаларда суяк мўртлашиши кузатилса, момақаймоқ

ва сабзи шарбатини аралаштириб ичиш тавсия этилади. Шунингдек, момақаймоқ шарбати пешоб ҳайдашни фаоллаштириб, организмдан ортиқча тузларни ювиб чиқаради. Бу ўсимликнинг гулларини 1 стакан сувга дамлаб, сўнг тиндириб қўйилса, ўйқусизликка чора бўлади.

Ошқозон безовта қилса...

Ундирилган буғдой гўштқиймаларидан ўтказилгач, шарбати ажралади. Ана шу шарбатни истеъмол қилсангиз, ошқозон хасталиклари, ортиқча вазн, қандли диабет ҳамда соч тўкилишига даво топасиз. Косметологияда эса буғдой суви билан юз терисини тозалаш, соч тўкилишида ниқоб ўрнида фойдаланиш мумкин.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шайтоннинг

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Obidjon QODIROV
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURHONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.

(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.

m-nashr@mail.ru

www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195

ISSN 2091-5225

2020-yil 3-sentabrda

0017-raqam bilan

ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.

Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:

To'lqin SHERNAYEV

Musahhiha:

Zebo OMONOVA

Sahifalovchi:

Komiljon MAHMUDOV

Ekspertizaga berildi:

03.04.2024

Xulosa (№03-07/1977) olindi:

16.04.2024

"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU

bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.600

24-3/8-buyurtma.

Bosmaxona manzili:

Toshkent shahri, Zarqaynar

18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор.

Ножиоз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and

hadiths. Please, do not put it

in inappropriate places!

في الجريدة آيات وأحاديث.

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не

оставляйте в неподходящих местах!